

6-1-2018

IMPROVING PENSION SYSTEM BECAUSE OF PENSION FUND'S FINANCIAL SUSTAINABILITY AND IMPLEMENTATION OF INVESTMENT POLICY

D. Rustamov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Rustamov, D. (2018) "IMPROVING PENSION SYSTEM BECAUSE OF PENSION FUND'S FINANCIAL SUSTAINABILITY AND IMPLEMENTATION OF INVESTMENT POLICY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Рустамов Д. Р. – ТМИ,
доцент

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада пенсия ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш орқали иқтисодийга юқори юклама бўлмайдиган пенсия тўланмаларининг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлаш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: пенсия тизими, хусусий пенсия, пенсия суғуртаси, пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий суғурта, пенсия миқдори, ижтимоий таъминот, давлат пенсия дастури.

В статье рассмотрены основные цели пенсионной реформы, вопросы обеспечения финансовой устойчивости и активизации инвестиционной политики Пенсионного фонда, направленные на обеспечение достаточности и устойчивости пенсионных отчислений не приводящих к увеличению нагрузки на экономику

Ключевые слова: пенсионная система, негосударственная пенсия, пенсионное страхование, пенсионное обеспечение, социальная защита, социальное страхование, уровень пенсий, социальное обеспечение, пенсионная программа государства

This paper studies main objective of pension reform is to ensure adequacy and sustainability of retirement pensions, which cannot be a high burden on the economy by enhancing the financial stability of the Pension Fund and enhancing the investment policy.

Keywords: private pension, pension insurance, pension provision, social security, pension system, amount of pension, professional pensions, government pension program.

Етарли даражада қулай демографик вазиятга эга бўлишига қарамасдан Ўзбекистоннинг пенсия тизими молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан жиддий қийинчиликларни бошидан кечириши мумкин. Пенсия жамғармасининг харажатларини янада иқтисод қилиш ёки бу жамғармага солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда ажратмалар ставкаларини ошириш орқали унинг даромадларини янада ошириш имкониятлари амалда деярли йўқ. Бир вақтнинг ўзида, ҳамкорликка асосланган пенсия тизимининг салоҳиятли муаммоларини ҳал қилиш учун Ўзбекистон пенсия тизими бюджетининг дефицитлиги пайдо бўлиши ва унинг бирданига ошишига қадар 2-3 йиллик вақт захирасига эга, холос[1].

Келгусида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича олинган чораларни қабул қилиш мақсадида, энг аввало, пенсия тизими

ислоҳотларини амалга ошириш зарур. Пенсия ислоҳотларининг қатор йўналишларини амалга ошириш учун нисбатан кўп вақт талаб қилинадигани, бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ бошланғич ўзгаришларни амалга оширишни ўта долзарб қилиб қўяди. Пенсия ислоҳотларини ўтказишни ортга суришни баҳоси – бу алмаштириш коэффициентининг пасайиши, пенсия таъминоти билан қамраб олишни ва шунга мувофиқ равишда, аҳоли кекса қатламлари ижтимоий ҳимояланганлигининг, қисқариши, Пенсия жамғармаси дефицитини қоплаш учун Давлат бюджетидан қўшимча харажатларнинг қилиниши ва шунга мос равишда, бошқа харажатларнинг қисқариши, молиялаштириш оғирлигининг ортиши ва б. лардир.

Ўзбекистон пенсия тизимининг асосий камчиликлари меҳнат ресурслари орасида ягона ижтимоий тўловни тўловчилар ҳиссасининг пастлиги, пенсия тўланмаларининг тенглаштирувчи характерга эгаллиги, мавжуд жамғариладиган элементнинг пенсия ҳисобварақларига қўйилган қуйилмалар бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган даромадлар билан таъминлашга қодир эмаслиги ва ҳ.к. лардир. Бу камчиликлар пенсия ислоҳотларини амалга оширишни қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб, уларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштиришнинг кўплаб заҳираларидан фойдаланишга тегишли шароитларни яратади ва мамлакат пенсия тизимининг самарадорлигини оширади:

- ягона ижтимоий тўловни тўловчиларни қамраб олишни кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, норасмий иқтисодиётни легаллаштириш ва Ўзбекистондан меҳнат мигрантларини қабул қилувчи давлатлар ўртасида давлатлараро шартномаларни тузиш;

- пенсияларнинг миқдорини Пенсия жамғармасига қўйиладиган қуйилмалар миқдори билан боғлиқлигини кучайтириш мақсадида пенсияларни тайинлаш тизимини ислоҳ қилиш;

- индивидуал пенсия ҳисоб варақларида қўйилган маблағлар учун инфляцияни қоплайдиган ва тижорат банкларидаги муддатли омонатларнинг даромадлари билан таққосланадиган даражадаги даромадларни олишга имкон берувчи жамғариладиган тизимнинг ишлаш механизминини яратиш.

Бу ўринда пенсия ислоҳотларини муваффақиятли амалга ошириш учун иқтисодиёт ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларида ҳам ислоҳотлар зарурлигини ҳам қайд этиш керакки, улар қуйидагиларга йўналтирилган бўлмоғи даркор:

- хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва иқтисодиётнинг норасмий секторини легаллаштиришнинг зарурий шarti сифатида бизнесни юритишнинг солиқий ва носолиқий харажатларини қисқартириш;

- пенсия жамғарилмаларини самарали жойлаштириш ва аҳолининг жамғарилмаларини жалб қиладиган ҳамда жойлаштирадиган молиявий институтлар ўртасида рақобатни вужудга келтириш учун шароитларни яратишнинг шarti сифатида молиявий бозорларни ривожлантириш, банк

тизимини янада либераллаштириш коммерциализациялаштириш, валюта бозорини либераллаштириш.

2010 йилда ўтказилган пенсия ислохотларидан сўнг муддатидан олдин пенсияга чиқиш бўйича имтиёзлар максимал даражада минималлаштирилди. Олдин қайд этилганидек, ёш бўйича имтиёзли пенсия олувчиларнинг сони 2016 йилнинг бошида ёш бўйича барча пенсионерларнинг деярли 47,0%ини, янгида пенсия тайинланганлар орасида эса имтиёзликлари қарийб 17,0%ни ташкил этди. Ёш бўйича пенсияга чиқишда имтиёзли шароитларнинг бекор қилиниши, бу рақамлардан кўриниб турибдики, ҳар йили пенсия тўлаш харажатларининг 0,1%инигина иқтисод қилиш имконини беради. Бу эса, Пенсия жамғармаси дефицитини қоплаш учун бу чоранинг етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу мақсадларга хизмат қилувчи бошқа резерв пенсионерлар сонини қисқартириш ёки уларнинг ўсиш суръатларини камайтириш ва пенсиялар миқдорини пасайтириш бўлиши мумкин. Буларга турли-туман усулларни қўллаб эришиш мумкин. Уларнинг энг муҳимларидан қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

1. Эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини ошириш ёки уларни тенглаштириш ҳисобидан. Ривожланган мамлакатларда эркак ва аёллар учун пенсияга чиқишнинг тенг ёши, мамлакатларга боғлиқ равишда, 60 ёшдан 65 ёшгачани ташкил этиши меъёр ҳисобланади. Ҳозирги вазиятда мамлакатимизда 55 ёшли аёл ўртача 21 йил давомида, 60 ёшли эркаклар эса 12 йил давомида пенсия оладилар. Шундай қилиб, пенсия тизимида бир аёлга сарфланадиган ресурслар миқдори бир эркакка сарфланадиган ресурслар миқдоридан ўртача 1,75 марта кўп. Тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта бадаллари ҳамда олинадиган пенсиялар ўртасидаги нисбат эса эркаклар учун – 1,07га, аёллар учун эса – 0,49га тенг. Одатда, эркаклар ва аёллар ўртасида пенсияга чиқиш ёшини ошириш ёки тенглаштириш босқичма-босқич амалга оширилади. Масалан, ҳар йили 6 ойга оширилади. Бундай вазиятда ўтиш даври 10 йилга чўзилади. Бу Пенсия жамғармасини нисбатан муаммосиз молиялаштирилиши 1/3 йилга узайтириши мумкин. Бундай самарага Пенсия жамғармаси харажатларини қисқартириш ёки бу фонднинг даромадларини ошириш ҳисобидан ҳам эришиш мумкин (бу тоифага кирувчи шахслар ишлашни ва ижтимоий солиқларни тўлашни давом эттирадилар).

2. Пенсия жамғармасига ажратмалар ставкасини ошириш қабул қилиниши мумкин вариант ҳисобланади. Чунки вужудга келиши мумкин бўлган дефицитни қоплаш учун уларни кескин ошириш талаб қилинади. Масалан, суғурта бадаллари ставкасини 1 ф.п.га (Пенсия жамғармасининг даромадлари ҳам шунчага ошган тақдирда) ошириш пенсия тизимининг инқирозга учрашини 2,5-3 йилга ортга суриши мумкин. Бундай сиёсатнинг вариант сифатида 2020-2030 йилларда Пенсия жамғармасининг умумий дефицитини қоплаш учун пул маблағларининг қолдиқларини шакллантириш мақсадида суғурта бадалларини, масалан 2018 йилдан бошлаб бир вақтнинг ўзида 8 ф.п.га ошириш (ёки ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳар бирини 4 ф.п.га ошириш)ни қабул қилиш мумкин. Бироқ, бундай чоралар

иш берувчиларнинг молиявий ҳолатига, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига ва расмий бандлиликка салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Тармоқлараро баланс асосида амалга оширилган эксперименталь ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 1 ф.п.га оширилиши бутун иқтисодиёт бўйича баҳоларнинг 0,4%га ўсишига ёки шу баҳолар сақланиб қолганда эса ялпи фойда ва аралаш даромадларнинг 9-10%га қисқаришига олиб келади.

Умуман олганда, юқорида келтирилган параметрик чоралар пенсия тизимининг дефицити ўсишини 4 йилдан 8 йилгача ортга суриши мумкин, холос. Лекин уларнинг айримлари бу ерда мавжуд бўлган муаммоларни ечиш ўрнига пенсия тизимидаги нуқсонларни ва муаммоларни (масалан, солиқ юкласининг юқорилиги натижасида солиқлар ва ижтимоий ажратмаларни тўлашдан бош тортишнинг кенг тарқалишига, пенсияларни тенглаштирилган тарзда тайинланишига ва ҳ.к.ларга) чуқурлаштириши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, пенсия тизимининг дефицитлигига йўл қўймаслик ва бу тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган стратегик муаммоларни кўп даражали пенсия тизимини босқичма-босқич яратиш орқали ҳал қилиш керак. Бу тизим ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши лозим[2]:

1. Давлат томонидан тўланиши кафолатланадиган минимал пенсия. Уни меҳнат стажи, иш ҳақининг даражаси, жамғарилган пенсия жамғарилмаларининг миқдори ва б.ларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мамлакатнинг барча фуқаролари олиши керак. Давлат томонидан кафолатланадиган пенсиянинг миқдори бугунгидек иш ҳақи минимал миқдорининг 1,98 даражасида қолиши ва кейинчалик бошқа ҳар қандай пенсиялар сингари индексация қилиниши мумкин;

2. Пенсияларнинг мажбурий жамғариладиган қисми. Пенсия тизимининг бу элементи амалдаги жамғариладиган тизим асосида ривожланиши керак. Лекин у фуқароларнинг пенсия маблағларини жойлаштириш учун муқобил шароитларни яратиш (масалан, аҳолининг пенсия жамғарилмаларини инвестиция қиладиган ва бир-бири билан рақобат қиладиган институтларни вужудга келтириш) йўналишида ислоҳ қилинмоғи лозим;

Таклиф этилаётган пенсия ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш орқали иқтисодиётга юқори юклама бўлмайдиган пенсия тўланмаларининг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда а) Пенсия жамғармаси ихтиёрига ўтказиладиган бадаллари миқдори ва пенсия тўланмалари ўртасидаги кучли боғлиқликка ва б) пенсия жамғарилмаларининг кўпайишига ҳамда уларнинг инфляция натижасида қадрсизланишини ҳимоя қилишга имкон берадиган механизмларнинг яратилишига жиддий эътибор бериш лозим. Бир пайтнинг ўзида, бўлғуси пенсия тизимининг ўлчамларини шакллантиришда ижтимоий

адолатлилик, молиявий барқарорлик ва иқтисодий самарадорлик ўртасидаги мувозанат (баланс)ни ҳам таъминлаш керак.

Шу ўринда биз Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш нуқтаи-назаридан пенсия ислохотларининг фойдали жиҳатлари ва узоқ муддатли вазифаларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Гап шундаки, пенсия тизими мажбурий жамғариладиган ва ихтиёрий жамғариладиган элементларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун аҳолининг маблағларини жалб қиладиган, уларни кадрсизланишдан ҳимоя қилиш ва кўпайтириш мақсадида инвестиция қиладиган ва пенсия ёшига етганда пенсия тўланмаларининг (минималдан юқори) тўланишини таъминлайдиган молиявий институтларнинг бир-бири билан рақобат қиладиган тизимини шакллантириш зарур. Одатда, бу функцияларни хусусий, идоравий ва давлат пенсия фондлари бажаради. Бундай вазиятда бўлғуси пенсионерлар ўзлари учун жозибадор бўлган фондни танлаш ёки ўзларининг жамғарилмалари бир неча фондларга жойлаштириш имконига эга бўладилар. Давлат эса бу фондларнинг фаолиятини тартибга солади ва пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини таъминлайди.

Пенсия ислохотининг асосий мақсадига эришиш, бир-бири билан рақобат қилувчи пенсиявий молиявий институтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ўз навбатида, молиявий бозорларнинг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин. Тўғри амалга оширилган пенсия ислохоти узоқ муддатли жамғарилмаларнинг генерация қилинишига олиб келадики, улар бозор принциплари (банк секторининг кредитлари орқали, акция ва облигацияларни эмиссия қилиш орқали корхоналарни молиялаштириш ва б.) асосида иқтисодиётга катта кўламли инвестицияларни молиялаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, молиявий бозорларнинг ривожланиши, пенсия бадалларини тўлашда ходимлар манфаатдорлигининг ошиши бизнесни юритиш шароитларининг яхшиланишига, норасмий иқтисодиётнинг легаллашувига, иқтисодий ўсишнинг жадаллашувига ва шуларга мос равишда, ижтимоий бадалларни тўловчилар доирасининг кенгайишига олиб келади. Бу эса пенсия тизимининг ҳамкорликдаги компоненти (кафолатланган пенсияларнинг тўланишига) тушилмалар ҳажмининг ошишига имкон беради.

Экспериментал тарзда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларининг кўрсатишича, ўртача пенсиялар ўртача иш ҳақиға нисбатининг 40,0% даражасида бўлишини таъминлаш учун минимал бадаллар жамғарилганда тизим тўлиқ фаолият кўрсатган пайтда (2040-2045 йилларда) пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлар Ўзбекистон ЯИМининг 120,0%дан 150,0%гачасини ташкил этиши мумкин. Бу эса мамлакат иқтисодиётига инвестициялар учун жуда катта молиявий манбадир.

Муваффақиятли пенсия ислохотларининг муҳим шарти самарали регулятив ва назорат органи ёки органлар гуруҳини яратиш ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси пенсия жамғармаларини бошқариш учун фақат малакали институтлар бўлиши мумкинлигини кафолатловчи лицензиялар

беришдир. Ундан сўнг, маълум вақт ўтиб, бу регулятив орган таркибига пенсия жамғармалари фаолиятини ички ва ташқи инспекция қилишни ҳам қамраб олган бошқа функцияларини ҳам ривожлантирмоғи даркор.

Пенсия жамғарилмалари соҳасини давлат томонидан фаол тартибга солишнинг зарурлиги миллионлаб кишиларнинг пенсия жамғарилмалари ва пенсия жамғармалари ўзларининг барқарорлигини ҳам хавф остига қўювчи пенсия жамғармалари фаолиятининг рискларнинг кенг доирасига таъсирчанлиги билан боғлиқдир. Пенсия жамғармалари дуч келадиган асосий риск – бу инвестицион рискдирки, унга кўра пенсия жамғармаларининг мажбуриятларни қоплашга қодирлиги инвестициялаштириш жараёнидан олинадиган даромадларга боғлиқ. Уни камайтириш учун тегишли меъёрлар киритилмоқда. Улар ўз инвестиция портфелларини диверсификация қилишга, пенсия жамғарилмаларини мажбурий тартибла суғурталашга пенсия жамғармаларини мажбур қилмоқда. Буларнинг бари пенсия жамғармаларининг касодга учраш рискларини минималлаштиради. Давлат, ўз навбатида, пенсия жамғарилмалари бир қисмининг сақланишини кафолатлаши ва омонатлар мусодара қилинишига нисбатан дахлсизликни таъминлаши керак.

Тартибга солиш тизимини яратишда регулятив юкломани ҳам оптималлаштириш зарур. Чунки бу пенсия жамғарилмаларига хизмат кўрсатиш учун ҳақнинг ошишига олиб келади. Албатта, пенсия маблағларига хизмат кўрсатиш ва бошқариш учун ҳақнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Шундай бўлишига қарамасдан, уларни бозор усуллари ёрдамида оптималлаштириш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, Лотин Америкаси мамлакатларининг салбий тажрибасини такрорлашимиз мумкин. Уларда Европа мамлакатларидаги хизмат кўрсатиш ставкасининг 0,1-0,3%лик даражасидан фарқли ўлароқ бу ставка жамғарилмалар суммасига нисбатан 1,5-2,0%ни ташкил этади.

Мамлакатимизда молиявий бозорларнинг етарли даражада ривожланмаганлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги имкониятлардан фойдаланишни қўзда тутмоқ лозим:

- пенсия жамғарилмаларининг бир қисми хорижий активларга ва қимматбаҳо металлларга инвестициялаштириш;
- пенсия жамғарилмаларини жалб қилишда хорижий пенсия жамғармаларининг иштирокини таъминлаш;
- пенсия жамғарилмаларини хорижий суғурта компанияларида суғурталаш ва қайта суғурталаш.

Шундай қилиб, пенсия тизимини ислоҳ қилишга киришишдан олдин, аввало, ислоҳотларнинг стратегиясини (асосий йўналишлари, босқичлари, ўтиш даври чоралари, ҳаракатлар режасини қўшиб олган ҳолда) ишлаб чиқиш керак, тегишли қонунчилик асосини яратиш лозим ва бу жараёндан кутила-ётган оқибатлар ва нафли жиҳатларни чуқур ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишни секин-асталик билан босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

Пенсия ислоҳотларининг ўлчамларини чуқур ишлаб чиқиш учун меҳнат бозорининг аҳволини, иқтисодиётнинг норасмий секторини, келгусидаги

пенсия жамғарилмаларининг инвестициялаштириш имкониятларини чуқур тадқиқ қилиш зарур. Бу ўринда биз эга бўлишимиз мумкин бўлган маълумотларга таяниб пенсия ислоҳотларининг асосий йўналишлари бўйича тегишли ғояларни илгари суришимиз мумкин. Лекин таклифларимизни янада деталлаштириш ва аниқлаштириш шунга мос бўлган маълумотларнинг бўлишини ва бу борадаги аҳволнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга доир кўшимча равишда янада чуқурроқ тадқиқотларнинг ўтказилиши тақозо этади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш мақсадида пенсия тизимини такомиллаштиришда пенсия ислоҳотларини ўтказиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли чораларни ҳам аниқлаб олиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан бу ўринда, энг аввало, янги пенсия қонунчилиги 1980 йилдан сўнг туғилган фуқароларга тегишли бўлиши мумкинлиги таъкидлаш лозим. Бу шахслар учун индивидуал жамғариладиган пенсия ҳисобварақлари (ИЖПХВ) га ўтказиладиган мажбурий бадалларнинг ставкаси иш ҳақиға нисбатан 8,0%дан (эркак ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёши тенглаштирилганда) 10,0%гача (пенсияга чиқиш ёши бараварига оширилганда) ўрнатилиши мумкин. Уни тўловчилар фуқароларнинг ўзлари ҳисобланади. Бу ставкалар 1980 йилдан олдин туғилган фуқароларга нисбатан ҳам амал қилади. Лекин бунга тўғри келувчи суммалар ҳомкорликдаги тизимга йналтирилади.

Кўрсатилган ёшдан катта бўлган фуқароларга пенсиялар олдингидек амалга қилган тартибда тайинланади ва тўланади. Бунда амалдаги тартиб янги тайинланадиган пенсияларнинг қисмига 2040-2045 йилларгача (1980 йилда туғилган фуқароларнинг пенсияга чиқиш даврида) ва тўланадиган пенсияларнинг қисмига 2060-2070 йилларгача (1980 йилда туғилган фуқароларнинг яшаш давригача) сақланади.

2016 йилдан ишга тушириладиган пенсия механизми 2040 йилгача таклиф қилинаётган 8,0-10,0%ли ставкада суғурта бадалларини фақат тўплайди. Умумўрнатилган ягона микдорда барчага пенсияларни тўлаш: аёлларга – 60 ёшда 2040 йилдан, эркакларга – 65 ёшдан 2045 йилдан бошланади.

Ўтиш даврида ҳамкорликка асосланган пенсия тизими фаолият кўрсатишининг муҳим масалаларидан бири 1980 йилда туғилган фуқароларнинг “тушиб қоладиган” бадалларидир[3]. Меҳнат ресурсларининг нисбий ёшлиги учун бу унинг катта қисмини ташкил этиши мумкин


“Тушиб қоладиган” даромадлар ҳисобли тарзда 2020 йилдаги Пенсия жамғармаси эҳтиёжларининг 17,0%дан (аёллар ва эркаклар учун пенсия ёши тенглаштирилганда) 21,0%гачасини (аёллар ва эркаклар пенсия ёшининг бир хил узайтирилганида) ташкил этиши мумкин. Бу ҳозирги баҳоларда деярли 15,0 млрд. сўмга тенг, демакдир. “Тушиб қоладиган” даромадларни компенсация қилиш манбалари бир нечта. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Бандлилик расмийлашининг ўсиши. Ҳисоб-китобларга қараганда, бандлиликнинг 1,0%га ўсиши Пенсия жамғармасининг 3,0%гача харажатларини қоплаши мумкин. Бунда биз бўлғуси тизим ўлчамларини

башоратлашда 2030 йилгача расмий бандлилик хиссасининг меҳнат ресурсларининг 35,0%дан 60,0%гача оширидан келиб чиқдик.

2. Муддатидан олдин имтиёзли пенсиялар институтини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, манфаатларига мувофиқ равишда ходимларга кафолатлар ва компенсациялар тақдим этиш учун шароитлар яратиш. Бу ўз ичига меҳнат бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, уни янада қулай қилиш, риоя этишда арзонлаштириш, зарарли ишлаб чиқаришлардаги ишчи ўринларини аттестация қилиш тартибини соддалаштиришни, пенсияга эрта чиқиш даврини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий бадаллар ва ягона ижтимоий тўловнинг алоҳида ставкаларини ишлаб чиқишни қамраб олади. Бу чоралар, бизнингча, кўплаб муддатидан олдинги пенсияларни молиялаштириш масалаларини ҳал қилади.

Бўлғуси пенсия тизимининг навбатдаги параметри ягона ижтимоий тўловнинг ставкасидир (1-расмга қаранг)[4].




Изоҳ: 1) ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси расмий бандлиликнинг 2020 йилдаги ўсиши 40,0%, 2025 йилда 50,0% ва 2030 йилда 60,0%дан ва 2) эркак ва аёллар учун пенсия ёшининг бараварига оширилишидан келиб чиқиб ҳисобланган.

1-расм. Тизимли ислоҳотларни амалга оширишда янги пенсия тизими бўйича ягона ижтимоий тўлов ставкасининг башорати (%)

Агар молиявий сектордаги тизимли ўзгаришлар ва бизнесни юритиш харажатларининг қисқариши содир бўлмаса, Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини кенгайтириш ва унга солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни қисқартиришнинг иложи йўқ бўлади. Бунда ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси анча юқорироқ даражага етади (навбатдаги бетдаги 2.-расмга қаранг)[5].

Бундан ташқари, тизимли ислоҳотлар амалга оширилмаса ва молиявий секторда ижобий ўзгаришлар содир бўлмаса, бу индивидуаль жамғариладиган пенсия ҳисоб варақларидаги жамғарилмалар бўйича жорий тенденциянинг давом этишини аниқлатади (бу тўғрида батафсил 2.4 да гапирилган эди. Бунда, хусусан, аёллар ва юқори иш ҳақиға эга бўлган шахслар катта зарар кўрадилар.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларнинг барчаси бошқа соҳаларда тизимли ислоҳотларни амалга оширилмаса, пенсия ислоҳотларининг кам самарадорли бўлишини англатади. Бунда, шуни ҳам қайд этиш керакки, пенсия ислоҳотлари чекланган характерда (бирок, албатта, тенглаштиришга барҳам бериб, индексация қилишнинг янги тартибини жорий этиб, пенсия ёшини тенглаштириб ёки ошириб) яъни жамғариладиган компонентни жорий этмасдан туриб ҳам, муваффақиятли бўлиши мумкин.



Изоҳ: эркаклар ва аёллар учун пенсия ёши бир хил оширилганда.

2.-расм. Тизимли ислоҳотлар амалга оширилмаганда янги пенсия тизими бўйича ясога солиқ тўлови ставкасининг прогнози (%да)

Бунинг учун эса, албатта, қуйидаги, яъни туғилиш юқори даражасининг сақланиб туриши; ажралишлар даражасининг камайиши; расмий сектор ҳиссасининг ортиши; меҳнат унумдорлигининг юқори суръатларда ўсиши каби шартлар бажарилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рустамов Д.Р. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. — Т.: Iqtisod-Moliya. 2013.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2455-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. \\
Халқ сўзи. 2016 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 3454-сон қарори.

6. <http://www.finanz.uz>

7. <http://www.mf.uz>

8. <http://www.pfru.uz>